
ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИДА БАРЧА САНЪАТКОРЛАР ЖОНЛИ ИЖРОДА КУЙЛАДИЛАР

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бугун Фарғона шаҳридаги "Афросиёб" тантаналар мажмуасида бўлиб ўтган вилоят байрам тадбирида йиғилганларга тўла жонли ижродаги концерт дастури тақдим этилди.

Илҳом Иброҳимов, Абдужалил Қўқонов, Мардон Мавлонов, Муҳсин Мўминов каби таниқли санъаткорлар, Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги "Лазги" ашула ва рақс ансамбли ҳамда "Зилола" ашула ва рақс ансамбли жонли ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга ўзгача кайфият тақдим этди.

Жорий йил 13 сентябрда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг Фарғона вилояти маданият ва санъат соҳаси ходимлари билан учрашувида вилоят байрам тадбирларида фонограммада қўшиқ айтишни тақиқлаш, ижрочилар саҳнада чолғучилар билан бирга жонли ижрода куйлаши борасида кўрсатма берилганди.

Ушбу кўрсатма ижроси бўйича бугун тақдим этилган жонли концерт дастури, фонограммдан зерикиб, жонли ижрони соғинган санъат шайдолари учун ўзига хос тухфа бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-10-01 00:13:58